



МАЪРИФАТ

Ma'rifat

ХАЛИК ЗИЁЛНИПАРИ ГАЗЕТАСИ

1931 йилдан чиңа бошлаган 2001 йил 21 июль, шанба

Баҳоси сотувда эркин нархда

№ 57 (7356)



АЗАЛИЙ САЛОҲИЯТ ЭЪТИРОФИ

Иқтидорли ўқувчиларимиз Халқаро фан олимпиадаларида муваффакиятли иштирок этишиб, мамлакатимиз шаъни ва шарафини муносиб ҳимоя килиб келмоқдалар. Шу ўринда айтиш жоизки, жорий йилнинг 1-14 июль кунлари АҚШнинг Вашингтон шаҳридаги Жорж Мейсон номидаги университеда ўтказилган ёш математикларнинг 42-Халқаро олимпиадасида мустақил юртимиздан 6 нафар иқтидорли ўқувчи катнашди. 83 мамлакат вакиллари баҳс юритган мазкур беллашувда Бухоро вилояти Коракўл туманидаги 1-иҳтинослашган мактаб битирувчиси Умиджон Раҳмонов, шу мактабнинг яна бир битирувчиси Зулфиддин Камолов, Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 1-иҳтинослашган мактаб битирувчиси Умиджон Ражабов

ва Кўқон шаҳридаги иқтисодга иҳтинослашган лицей битирувчisi Нозимжон Комиловлар голиб чиқишиб, кумуш ва бронза медаллари совриндори бўлдилар. Шунингдек, мазкур олимпиадада Наманган давлат университети қошидаги академик лицейнинг 11-синф ўқувчisi Отабек Саматов ва Ангрен давлат педагогика институти қошидаги академик лицейнинг 10-синф ўқувчisi Ҳамза Давлатовлар ҳам ўз иқтидорларини намойиш этишиб, Халқаро олимпиада сертификатини кўлга киритишиди.

Куни кечада Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига голиб ўқувчиларни кутлаш ва тақдирлаш маросими ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири

Faxr

Рисбой Жўраев галибларни табриклаб, уларга вазирликнинг Фахрий ёрликлари ва қиммат баҳо совғаларини топширада экан, голиб ўқувчиларнинг улкан муваффакиятида фидойи устозлар хизмати бекиёслигини кайд этди. Айни пайтда устозлари ҳам "Ўзбекистон халқ таълими аълоочиси" кўкрак нишон билан тақдирланганини маълум килди.

— Дунёнинг 83 та давлати вакиллари баҳслашган ёш математикларнинг Халқаро олимпиадасида Ўзбекистон ўқувчиларининг голиб чиқиши катта гап, улкан воқеа, — деди Р. Жўраев. — Эндилиқда бу муваффакиятларни янада мустаҳкамлаб бориш зарур.

Маросимда иштирок этганлар ёшлар эришган ютуқлардан

гурурланган ҳолда вазирлик ташаббуси билан иқтидорли ўқувчилар учун ҳар йили ташкил этилаётган "Ёзги мактаб" имкониятлари, "Сиртқи телевизион олимпиада"нинг аҳамияти, келгусида ўтказиладиган Халқаро олимпиадаларга тайёргарлик кўришнинг йўллари хусусида фикр юритдилар, таклифарини айтдилар.

Истеъоддод оламни бозар, деғанларидек, голиб ўқувчилар йигилганларнинг бутун дикқат эътиборида бўлди. Халқаро олимпиаданинг ўтказилиш жараёни хусусидаги саволларга олимпиада совриндорлари куидагича жавоб қайтаришиди:

(Давоми 2-бетда)

Суратда: халқаро олимпиада галиблари.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ
олган сурат.

КОМИССИЯ ЙИФИЛИШИ

Қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссияси нинг йиғилишида жойларда жорий йилнинг биринчи ярим йилида ушбу жараённинг бориши ҳамда келгусида қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

МУСТАКАЛЛИК ВА ТАФАККУР

Мамлакатимиз истиқлонинг 10 йиллигига багишлаб республика "Маъ-

СҮНГГИ УЧ КУН МУЖДАЛАРИ



навият ва маърифат кенгаши" томонидан ташкил этилаётган "Тафаккуrimizni ўзгартирган ўн йил" деб номланган амалий анжумандада кишиларимизда, айниқса, ёшлирамиз қалбидан лоқайдлик, масъулиятсизлик, фаолиятсизлик каби иллатларнинг акси ўлароқ фидойилик, юрт

манфаати йўлида хайриҳолик, тадбиркорлик каби хислатлар мустаҳкам ӯрин олаётгандиги алоҳида таъкидланди.

КЎҲНА ТАРИХИМИЗ МУХРИ

Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидаги Жаркўргон ёдгорлик мажмуидан топилган муҳр бу заминда бундан 3,5-4 минг йил аввал ҳам давлатчилик бўлганигидан гувоҳ беради. Шундайин муҳрлар Шарқда — Месопотамия, Оссурия подшоликлари ҳудудида ҳам топилган.

МАКТАБ ТАЬМИРИГА — З МИЛЛИОН СҮМ

Тошкент шаҳридаги 138-мактаб таъмирига Чилонзор тумани "Қозиробод" маҳалласида истиқомат қилувчи саховатпеша инсон Абдумажид ака Ёрмуҳаммедов ўз ҳисобидан 3 миллион сўм ажратди.

— Абдумажид аканинг кўмакларидан бутун жамоамиз ва маҳалла аҳли беҳад мамнун бўлаёттир, — деди мактаб раҳбари Оҳиста Алимова. — Илм равнақини эл равнақи, деб билаётган бу инсоннинг саховатлари безиз кетмаслиги аниқ.

Saxovat

Дарҳақиқат, илм йўлига сарфланган бир сўм пул эртага ўзимизга миллионлаб даромад келтиришини А. Ёрмуҳаммедовдек илмпарвар кишилар яхши билишади. Ҳозир у маҳалла ободлиги борасида олиб борилаётган ишларга ҳам бош-қош бўлаёттир.

— Ўтганларни хотирлаш ҳам илмни қадрлаш сингари савоб ишлар сирасига киради, — деди Абдумажид ака Ёрмуҳаммедов камтарлик билан. — Шуманода "Қозиробод" масжиди ёнида "Ёдгорлик" мажмуини кураяпмиз. Маҳалладошларимиз унга қараб шу кунлар қадрига етиши, озод ва эркин ҳаётга шукроналар келтириши, шубҳасиздир.

Хуллас, Абдумажид ақадек саҳий ва савобталаб кишиларга ҳамиша куллук қилгимиз келади.

Муяссар ОДИЛОВА

Химмат миннатсиз бўлса

11-бет

Инглиз тили сабоклари

12-бет

Нобель мукофоти соҳиблари

13-бет



KITOBXON OILANING SHOIR QIZI

Dilafro'z Nurota tumanida o'tkazilgan "Eng kitobxon oila" ko'rik-tanlovi g'olib bo'lgan xonodon qizi. U rasm chizadi, musiqaga mehri baland, she'r yozadi. Endi 11 yoshga to'lgan esa-da, bir qancha tanlovlarida g'olib chiqdi. Endi g'uncha ochgan iste'dodning samimi tuyg'ulari aks etgan mashqlarini e'tiboringizga havola etmoqdamiz.

YULDUZLAR

Osmonga boqsam,
Mitti yulduzlar.
Kelib qo'limga,
Qo'ndi yulduzlar.

Bir zum lol qoldim,
Ularga boqib,
"Holing qanday?"—deb,
So'rdi yulduzlar.

Yulduzon, holim
Men bayon etsam.
Sen bilan birga,
Osmonga ketsam.

Koinot sirin,
Bilib qaytardim.
Zaminga mehr
Olib qaytardim.



CHARXPALAKMI, BU DUNYO

Yosh bo'lsamda fikrlarim bir olam,
Hayot mag'zi yuragimdadir go'yo,
Lekin, ba'zi ishlarni ko'rganimda,
Yodga oldim: "Charxpakmi, bu dunyo?"

Sertashvish, sershovqin kunlarga guvoh
Bo'lganligim men-chun, go'yo bir ro'yo.
Qayga shoshib, qayga borar odamlar,
Hayron qoldim: "Charxpakmi, bu dunyo?"

Kimdir xafa, kimdir boylikni quvar,
Yaxshilar-chi, taratsam deydi ziyo.
Yaxshi-yomon bir bo'lgan bu zamonda,
O'ya toldim: "Charxpakmi, bu dunyo?"

AYIQ VA TULKI

Ayiq bilan tulkivoy
Bir qarorga keldilar.
Har uchragan quyonni,
Nimta qilmoq bo'ldilar.



Maqsadin anglab ayiq,
Tulki uzra chang soldi.
Yovuzlar changalidan
Quyon qutulib qoldi.

Dilafro'z BAHRIDDINOVA,
Nurota tumanidagi
1-ixtisoslashgan
mактаб о'quvchisi

Va nihoyat yo'liqdi,
Nogahonda bir quyon.
Qing'irlilik qilib tulki,
Yemoqchi bo'ldi pinhon.

QASOS DARA (Hikoya)

nega shu nom bilan aytishini aytib bering.

- Uning tarixi uzoq, bo'tam.
- Ayta qoling, bobojon, — deb yalinaman.
- Xay mayli, eshit bo'lmasa.

Bir paytlar darada ayiqlar juda ko'p bo'lardi. Bilasan, ayiqlar beozor jonivor. Ular har yili yoz paytlari bolalarini ergashtirib tog' etagidagi buloqdan suv ichgani kelardi. Shu qishloqda Ergash cho'loq degan ovchi bo'lardi. O'zi ham juda badjahl, odamovi kishi edi. U ovchilik qilardi, qishloq kattalarining aytishicha, ana shu ayiqlardan biri uch bolasini ergashtirib tog' etagiga tushadi. Ergash cho'loq ulardan birini otib

2

o'ldiradi. Ona ayiq bo'kirganicha ikki bolasini ergashtirib ko'zdan yo'qoladi. Ancha vaqt o'tgach, qishloqda "Ergash cho'loq yo'qolibdi" degan gap tar-qaldi. Uni qidirmagan yerlari qolmadidi. Oxiri o'sha daradan topishadi. Ma'lum bo'lishicha, keyingi ovga borganda ona ayiq undan qasos olgan. Uni burdaburda qilib tashlagan, shu-shu u yermi "Qasos dara" deb atashadi.

— Bobojon, hayvonlarga ham ozor bermaslik kerak ekan-da?

— Ha, bo'tam, hayvonlar ham tabiatning bir bo'lagi, unga ozor bersak, u albatta, bizdan qasos oladi.

Men o'zimni qiyagan savolga javob topganimdan xursand edim.

Umidjon ORZIQULOV,
Yangiqo'rg'on tumanidagi 33-mактаб
o'quvchisi



KO'KLAM SHE'RI

Ko'klam she'ri maysalarning
giyoblarning o'zidir,
Qayga boqmay, nigohlarda
tiniq osmon ko'ringay.
Jilg'alarga quloq tutdim,
baborning so'zidir,
Ufqlarda gulga to'lgan
go'zal bo'ston ko'ringay.
O'riklarning shoxlariga
go'nayotir misralar,
Qushchalarning sayrog'ida

she'riyatning ovozi.
Tuyg'ulardan tug'ilgan she'r
tuyg'ular-laksalar,
Yuraklarda, yo'laklarda
bukun ko'klam navosi.
Ko'klam she'ri — yuragimda
unayotgan bir daraxt,
Ufqlarda gulga to'lgan
go'zal bo'ston ko'ringay.
Bu Vatanning bog'larida
yashamoqlik o'zi baxt,
Tonglarida ko'zim ochsam,
O'zbekiston ko'ringay.
Ashurali BOYMUROD,
O'zbekiston Yozuvchilar
uyushmasi a'zosi

KAPALAK

Musaffo, beg'ubor,
Rango-rang kapalak.
Oq qorday beozor,
Go'yoki kamalak.

Uchadi bog' aro,
Sevgani bulbul, gul.
Yaxshiga oshnoyu,
Yomonga do'stmas u.

Men uni izlayman,
Do'stlikni ko'zlayman.



QALDIRG'DCH

Inson menga birodar,
O'z uyidan berar joy.
Do'stlik qilsa kim agar,
Bo'lgay menga erkatoy.

Bulbullarga jo'r bo'lib,
Biyron-biyron sayrayman.
Ba'zan ko'zga yosh to'lib,
Osmon uzra yayrayman.

Dushman menga bir ilon,
Kaltakesak va chayon.

Zamira ODINAYEVA,
Jizzax shahridagi 15-mактабning
6-sinf o'quvchisi

TUN

Osmon asta-sekin borar qorayib,
Atrofqa o'z to'rin yoymoqda zulmat.
Falak qovoq solar qilgandek ayb,
Uyquga kirmoqda ona-tabiat.


Atrofni qopladi tunning pardasi,
Tin olmoqda sassiz butun mavjudot.
Yolg'iz shamol izg'ir qaynab zardasi,
Uni pisand qilmay uxlar hayvonot.

Birin-ketin ko'kda chaqnar yulduzlar,
Endi samoda oy bo'ldi hukmon.
Go'yo ular bizga ertaklar so'zlar,
Uyquning domiga tortilar inson.

Jamshid NIYOZOV,
Sho'rchi tumanidagi 36-mактаб o'quvchisi

Barcha bola o'rashdi.
Dedilar: — Har bir inson
— Ozod hullikni sevar.
Hattoki shu bulbul ham
Bo'lsam deydi erkparvar.
Shunda sho'xchan bolalar,
Bulbul sirin bilishdi.
Birgalikda kelishib,
Uni ozod qilishdi.

Zokir BOLLIYEV,
Shahrisabz shahar
al-Xorazmiy nomidagi
litsey-mактаб o'quvchisi



—Дада, мен яқинда мактабга бораман!

Дераздан юлдусиз осмонга тикилганича ўй сураётган ота дабдурустдан кичкин тойнинг гапларини англамай қолди.

—Нима дединг, мактабга бораман дейсанми?

Боланинг кўзлари чараклади:

—Ха, эрталаб ўқитувчилар кириши, мени дафтарида ёзиб олиши. Энди ўқишга қатнайман...

Ота ўйкудан чўчиб ўйғонган кишидай сергак торти. Хаёллари чил-чил синди. Ўзича пичирлади.

—Буни қара-я... Мен эса...

Боланинг офтоб мисол кулиб турган чехрасига хавотир қўнди.

—Ха гага, сиз хурсанг эмасмисиз?

Кўзлари ич-ичига ботиб, сочларига оқ оралаган, озғин жуссали киши жовдирааб турган ўғилласини даст кўтириб, бағрига босди.

—Етказганига шукр бодам. Минг бора шукр!

Қалби тоғдай кўтирилган ўғил қувончини жажжи бағрига сиғиролмай кўчага ютурги. Бу хушхабардан елкасига тоғ қулаган ота мажолизигина останага чўкли. У шу тонга останага эмас, худди ўтқонга ағдарилаандай сезди ўзини. “Буни қаранг, боласи етти ёшга киргучица қўлини “ҳалоллаб” ололмади. Бу рўзгор деганлари шунақа форми? Болингга тортсанг — оёғинг кўринаги, оёғингни беркинсанг — бошинг очиласи. Эртадан кечга қадар тиним ўйқ, қуш тинса тинадики, бироқ унда ҳаловат қайда. Жўжабирда жон, ҳаммаси ейман, кияман деб турса”.

Кўча дарвозаси тақилади.

—Турсунали, ҳо Турсунали.

Турсунали ўрнидан оғир туриб, овоз берди.

—Кираверинг, эшик очиқ.

Маҳалла оқсоқоли томоқ қириб кириб келди. Чорпоядаги суҳбат кўпга чўзилмаги. Мехмон гапнинг ингалосини айтиб кўя қолди.

—Энди, ука, айбга сана-майсан. Маҳалламиздаги Ҳотамбек беш-олтина кўли юпқа, камхарж оиласардаги болаларга суннат түйшини ўтказиб беряпти. Сенинг ҳолинг барчамизга маълум. Агар хўп дессанг, кенжатойнинг Наҳорбекни ҳам рўйхатга кўшиб кўйсак. Ҳозир бунинг айби ўйқ, Қайтанга Ҳотамбекнинг саховатига раҳмат айтиш керак. Харажат қиляпти, савобга доҳил бўлай дегапти. Тўйга номи етти иқлимга танилган артистларни тақилендиги. Бечора яна кар-

ний-сурнай, бир тарафда телевидениедан, газеталардан муҳбирлар чақирибди. Ростига кўчсак, бунақа тўйга сенинг белинг қийшайиб кетади. Омадинг чопгани шу-да.

Турсунали деганларининг боши эгилиб кетди. Кўзлари ўйлтиради. Бироқ ҳадеганда уни чиқмаги. Оқсоқол яна гапга туши.

—Нега индамайсан, болам? Бунақа имконият ҳамиша келавермайди. Сендан ҳемири сўрамаса, қарз ҳавола кўтарибасан... қандингни урмайсанми...

Мезбон меҳмона юзланди.

—Қандингни ур дейсизу, отахон...

Оқсоқол уй эгасининг кўнглини кўтарган бўлди.

—Қўй, унақа дема. Камбагаллик айб эмас. Бу кунлар ўтар-кетар. Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ. Ҳали фарзандларининг орзу-ҳавасини кўравериб яйрайсан. Хўп энди, мен борай. Қани, тўйболани чақир-чи...

ни кўравериб, кўхна тарих неча бор таланган, хўрланган. Бу каби миннат тоши не-не алларни қулатган, не-не қалбларга дарз соглан.

Аслига җиммат — энг улуғ фазилат. Қўли очиқ, қалби дарё қишилар ҳамиша ардоқланган, азиз номинасаблари тиллардан дилларга кўчган. Бироқ бу эзгуликнинг ҳам кушандаси бор экан. Ҳудди оққа қора текканидай, кундузни кечакувганидай, оқиёнинг жоҳил ёқасидан олганидай, тавҳарни тош сингирганидай җимматни ҳам миннат таъқиб этаверар экан.

Одамларнинг җимматга ҳам шубҳа билан боқиши отасида шу маъно ётваркан.

Албатта, орамизда ёрбира барлари, мўмин-муслонларга бегараз, беминнат кўмаклашаётган, оғирини енгил, узғини яқин қилаётган мард инсонлар кўплаб топилади ва биз ундаи саҳоватпешалар билан ҳақли равишда фаҳранамиз. Очигини айтганда,

Mulohaza

ҳамдуга сано ўқитиш мақсадга мувофиқмикан?

Кейинги пайтларда яна бир хунук иллат кўзга ташланиб қолди. Бу кимгагир, қачонлардир қилинган яхшиликни ўрни келасекелмаса писанда этиш, ўша “яхшилиги” яхши ҳосил бермаганидан зорланниш, афсус-нагомат чекишидир. Аслига қилган яхшилиги учун таъмагирлик қилиш дуруст эмасди. Яхшилик холис ва самими бўлмоғи лозим. Эзгулик дарахти соғ қўнгил суви ила илдиз отади, барқ уриб ривожланади.

Ҳақиқат шуки, сен мартаҳамат кўрсатган одамдан аксарият ҳолларда эзгулик қайтмаиди. Бу ҳақиқатнинг яна ҳам аччиқ жиҳати шуки, ўзимиз ҳам кимнингди ёрдамидан баҳраман ғўлганмизу вақтлар ўтиши билан ўша эзгулик эзасини унумтганмиз. Адоглат мезонини қарангти, айнан биз унумтганлигиниз туфайли вақти-соати келиб бизни ҳам унумтадилар. Хуласа аниқ, бу ҳолат учун гина-кудратга ўрин қолмаслиги керак.

Яна миннат отлиқ гардга қайтсан.

Жобир ибн Абдуллонинг айтишича, Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай деганлар: Кимдаки уч хислат бўлса, Омлоҳ таоло унинг айбини яширади ва жаннатга киритади: Яъни, ожизларга мөхрибонлик қилса, ота-она сағомонат шафқат кўрсатса ва ўз қўй остигагиларга эҳсон берса.

Яна уч тоифа кишилар борки, улар жаннатга кирмайдилар. Биринчиси, ота-она сағомонат оқ бўлган фарзанд, иккинчиси ичкиликка мукасидан кетган одам ва учинчиси, бергган ҳайри эҳсонини ёки яхшилигини миннат қуловчи киши.

Мусулмончиликда бирор нуксанини ўзига солиш, шу йўл билан ўч олиш, уялтириш ҳам оғир гунохлардан саналади. Бу хусусда кўйигага ҳадисни эслатиб ўтиши жоизидир. Яъни, кимки ўз мўмин биродарининг бирон айбини таъна қилса, ўзи ҳам шу айбни қимлай дунёдан ўтмайди.

Чаҳорёрлардан Ҳазрати Умар ибн Ҳаттоб лутфэтдики, бетаҳорат кишидан номоз, хиёнат пулдиан садака қабул бўлмайди.

Албатта, биз мөхмөндуст, хүшмөомала, назокатли эл-улусмиз. Шундай экан, охиратни ўйлаб, жамият равнақи ва тараққиётини назарда тутиб, поклик ва ҳалоллик тарафида туриб яхши амалларни бажармогумиз керак.

Дини исломда ўнг қўлинг берганини чап қўлинг сезмасин, деган ҳадис бор. Модомики, муддаго ҳайри-саҳоват экан, буни радио-телевизорда қайта-қайта кўрсатиш, газеталарда

ДЎСТ ТАНЛАШДА АДАШМАНГ!

Одамлар билан лиқ тўла автобус янги бекатда тўхтаганда унга 15-16 ёшлардаги бир бола чиқди. Чиқдии оғизига қамаб олган сигарета тутунини оғзи билан бурнидан чиқарип ўзининг бу маънисиз хатти-ҳаракатидан ҳузурланиб автобус ойнасидан ташқарига тикилди. Атрофда, ён-верида турган одамларнинг ва айниксаз ўзига яқин ўринидан 15-16 бахорни қаршилаган бу ўш ўсмирни чекишига нима мажбур қилди экан? Балки телевидение орқали бериладиган сигарета рекламалариридир ёки кўчак-кўйда сигарета тутатиб юрган ўзи тенги ёки ўзидан катта ёшдаги ўспирилнларга бўлган ҳавасдири.

Бу ҳол мени жуда қаттиқ ўйлантириди. Айбни боланинг оиласидаги мұхитта, ота-онасига, у таълимтарбия олаётган мактабга қўймокчи эмасман. Лекин боланинг шундай шаклланиб, ўсиб-улғайшига ҳар уччала томон масъул деб ўйлайман. Авваламбор фарзанднинг яхши, ақлан етук, баркамол, жисмонан соғлом бўлиб улғайшида оила, ота-она, у яшाइтган маҳалланинг жуда мұхим ўрни бор. Бола вақтини кўпроқ оиласида, яшाइтган маҳалласида ўтказади. Ота-она фарзандининг кимларга қўшилаётгани, у кимлар билан ўртоқ эканлигини кўпроқ кузатиб, салбий томонлардан қайтариб яхши томонларга оғдира билса, у ҳеч қачон бундай номақбул хатти-ҳаракатлар қильмайди. Бир болани биламан. У менга укамдек яқин, ўзи жуда ҳам ақлли, мулоҳазали. Лекин чекади. Аввал унинг чекишига аҳамият бермасликка ҳаракат қилдим, лекин унга азбаройи ачинганимдан ва шу йўлдан қайтариш мақсадида у билан сұхбатлашдим.

—Айт-чи, сени чекишига нима мажбур қилди?

У ўйланиб, оғир-вазмин оҳангда жавоб берди:

— 7-8-синфларда ўқиб юрган вақтимизда бъаззи синфдош дўстларим чекишиларди. Мен аввалига уларга яқинлашмасликка, улар чекаётган пайтда ўзимни олиб қочишига ҳаракат қилдим. Тўғрисини айтсан, улар мени қийин бир вазиятга солиб қўйишди. Ҳуллас, мен ҳам чекиши бошладим. Соғлом ва ақлли инсон бўлиб вояга етишимни хоҳлаган ота-онамнинг овқатланиш учун берган пулларини ҳар куни оч қоринга чекиши учун сарф қилдим. Мен қўшилган ақли, фикри соғлом бўлмаган енгилтак дўстларимнинг кўр-кўронга айтган ҳаввойи сўзларидан таъсирланниб, ўзимни мана шу йўлга киргизб қўйганингимдан қаттиқ азоб чекиб қийналяпманди.

Ундан мана шу жавобни олиб, ўйланиб қолдим. Биз кўпинча бола тарбиясидаги нуксоналарга ота-она, ўқитувчи айбор, деб ҳукм чиқарамиз. Лекин боланинг дўсту ўртоқлари билан бўладиган муносабат, мұхит ёдимиздан кўтарилади. Киси ўзига дўст танлаётгандан унинг одигига, юриш-туршига ҳам эътибор берса яхши бўлармиди?

ВИЛОЯТ

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ

КУЧЛИЛАР КОРТДАН КЕТДИ

Кече Хорватия очик чемпионатининг навбатдаги тур учрашувларида турнирнинг иккичи (А.Портас) ва тўртинчи (М.Табара) ракеткалари мағлубиятга учраб, корти тарк этдилар. Башқа икки учрашувда кутилганидек, франциялик Ж.Голма ва И.Любисислар З-давра мусобақалари га йўлланма олди.

МУСОБАҚА ТЎХТАТИЛДИ

Sanex Trophy деб аталувчи 150 минг доллар ютуқ жамғармасига эга бўлган аёллар теннис турнири Бельгияда муваффакиятли ўтаётганди. Иккичи давра беллашувлари вақтида кучли ёмғир ёғиши боис факатгина бир учрашув ниҳоясига етди. Башқа мусобақалар кейинги кунларга колдирилди.




ТАИЛАНД РИНГЛАРИДАН ХУШХАБАР

Бангкокда анъанавий Таиланд кироли Кубоги учун бокс бўйича турнир бўлиб ўтди. Ушбу турнирда 20 та мамлакатдан 130 та спортчи рингга чиқди. Нуфузи жиҳатидан ушбу турнирни минтақа биринчилиги мусобақаларига тенглаштириш ҳам мумкин. Сабаби, бу ерда Европа ва Америка китъаларининг энг кучли боксчилари йигиладилар. Бу гал ҳам шундай бўлди. Жамоаларнинг аксарияти энг кучли чарм кўлқоп усталаридан таркиб толган бўлиб, жанглар ҳам шунга яраша бўлди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ўзбекистонликларнинг Бангкокда эришган натижаларидан қониқиши мумкин — жами 4 та медаль, жамоа хисобида учинчи ўрин.

Албатта, Осиё боксими "бошқарib" бораётган жамоамиз натижаларидан кимдир қониқмаслиги ҳам мумкин. Лекин жамоамиз таркиби асосий боксчиларимиздан иборат бўлмагани, мусобақаларда ёш вакилларимиз иштирок этгани бу ўй-хәлларга таскин берши, шубҳасиз. Ва ўз навбатида, ўзбек бокси келажагига янги янги умидлар уйғотади кишида.

Хуллас, ягона "олтин" супа жizzахлик фахрий боксчимиз Лазиз Зокиров томонидан забт этилди. Шунингдек, тошкентлик Беҳзод Хидиров (54 кг) ва намангандик Нозим Азимов (81 кг) кумуш, Фарғона бокс мактаби вакили Дилшод Махмудов (60 кг) бронза медалларини қўлга киритди.

Моҳира МАМАЖНОНОВА



ЎЗБЕК КУРАШИ ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТМОҚДА

Барчамизга маълумати, шу йилнинг 2-4 июль кунлари Жанубий Африканинг сайджил маркази саналмиш Хартенбос шахрида ўзбек кураши бўйича биринчи тарихий Африка чемпионати бўлиб ўтган эди. Унда Халқаро Кураш Асоциация Президенти Комил Юсупов бошчилигидаги раҳбарият ва Ўзбекистон Кураш Миллий Федерацияси вақиллари ҳам иштирок этган эдилар. Мусобақа эркаклар ва аёллар иштирокида ўтказилиб, эркаклар 73,81,90 кг ва мутлақ вазн тоифаларида ҳамда аёллар 63 кг вазн тоифасида гиламга чиқдилар.

Чемпионат бўлиб ўтаётган кунлари Жанубий Африкада ҳакиқий қиши ҳавоси ҳукм сурган бўлса-да, турнир иштирокчilar ва томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Минг кишига мўлжалланган Хартенбоснинг кўзга кўринган спорт мажмуи Африка учун янги спорт тури

саналмиш ўзбек кураши мухлислиринг барчаси сидира олмади.

Чемпионатда иштирок этиш мақсадида Африка, Осиё, Европанинг 20 га яқин давлатларидан курашчилар ва назоратчilar ташриф буюрдилар. Жумладан, Нигерия, Замбия, Маврикий, Сенегал, Испания, Хиндистон, Мозамбик, Лесото ва бошқалар.

Очилиш маросимида Африка Кураш Асоциацияси Президенти Комил Юсуповга ташкилотчilar ва қатнашчиларнинг Халқаро Кураш Асоциацияси Фахрий Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга йўллаган мурожаатномаларини топширган эди. Унда Ўзбекистон давлат раҳбариятининг миллий спорт тури бўлмиш ўзбек курашини ҳалқаро миқёсга олиб чиқишидаги хизматлари эътирофи акс этган. Мусобақалар иккун давом этди.

Ўзбек кураши ҳали элчиноналаримиз етиб бормаган ерларга ўзбек қадриятини, маданиятини

масаласи кўрилди. Маврикий, Замбия ва Нигерия каби давлатлар иккичи Африка чемпионатига давловарлик килдилар. Узок мухокамалардан сўнг иккичи Африка чемпионати Нигериянинг Лагос шахрида ўтказилишига келишиб олини.

Ўзбек курашининг бундай шиддат билан кулич ёйиши, ўз-ўзидан кураш мутахассислariга бўлган талабни оширади. Шу мақсадда ўзбек курашини жаҳонда янада оммалаштириш, нуфузини ошириш, кўп жиҳатдан етук малакали кураш мутахассисларини дунё мамлакатлariга тайёрлаб бериш, бу орқали ўзбек курашини яқин йиллар ичida Олимпия ўйинлари қаторига кўшиш учун юртимизда 12 хорижий давлатлар таъсисчiligi остида Халқаро Кураш Инститuti 2000 йил 28 апрелда Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтди ва иш бошлади. Инститut олдига кўйган асосий мақсад ва вазifa бу-ўзбек кураши бўйича олий маълумотли кураш

"Жар" спорт мажмусида Халқаро Кураш Асоциацияси раҳбариятни билан пресс-конференция бўлиб ўтди. Унда Асоциация Президенти К.Юсупов, Халқаро Кураш Инститuti ректори Д.Кўлдошева ҳамда Ўзбекистон кураш миллий федерацияси бош котиби Аббос Тўйчиевлар журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб бердилар. Шуни таъкидлаш лозимки, конференцияда бугунги кунда ўзбек журналистлariда чет элда бўлаётган ўзбек миллий кураши мусобақаларини ёритиш имкониятлari суст эканлиги Комил Юсупов томонидан айтиб ўтилди. Ва буни иложи борича тезрок ҳал қиши кераклиги таъкидлади. Акс ҳолда яқинда Венгриядан бўладиган Халқаро Кураш Асоциациясининг навбатдаги конгресси ўзбек журналистларисиз ўтиши мумкин.

Фарҳод ЭРДОШЕВ,
«Маърифат»
мухбири

ЧЕМПИОН ЯНГИЛАНМАДИ

Ўтган дам олиш куни Миллий баскетбол ассоциациясининг янги чемпиони аникланди. Ўзининг эски мавқеини тиклаб ултурган "Лос-Анжелес Лейкерз" клуби "Филадельфия-76" устидан ишончли ғалабага эришиб, иккичи бор ушбу юксак шоҳсупани банд этди — 108:96.

Голиб жамоа 4 ғалабадан утасини меҳмонда кўлга киритгани эса, ғолибларка иштиёқ зўр бўлганини кўрсатади.

НАТИЖАСИЗ МУЗОКАРА

Италияning "Рома" жамоаси президенти Франко Сенсингин маълум қилишича, Германияning "Бавария" ва Италияning "Парма" клубларидан Римга таклиф этилган Самюэл Куфур ва Фабио Каннаваро билан бошланган музокаралар натижасиз тугаган. Президентнинг гапларига қараганда, жамоалар ўз химоячиларининг трансфер баҳосини жуда юкори белгилашган. Айни кунда эса, бу дараждаги маблаг "Рома" газнасида мавжуд эмас. Шунингдек, "Рома" клуби раҳбари ФИФА томонидан илгари сурилаётган янги конунларга умид билдираётганлигини маълум қилиб, куздан бошлаб кучга кирадиган конун футbolchilar трансферини белгилашда бир мезон бўлишига ишонч билдириди.

Гулнора ХАЙДАРОВА

ИККИ ЙИЛГА БАНЛИ. ДОЛЛАР

Италияning "Интер" жамоаси янги бош мураббийи Эктор Купер Испаниянинг "Расинг" клуби аъзоси, Швеция терма жамоаси химоячиси Олаф Мельбергни жамоага таклиф этган. Маълумки, "Расинг" жамоаси ўтган мавсумда Испания олий дивизионини тарк этганди. Шундан сўнг, химоячи ўзига бошқа жамоа билдиришича, шу кунларда бошқа жамоалар билан ҳам музокаралар давом этмоқда. Улар сафида Англияning етакчи клублари ҳам бор.

Куни кече эса "Интер" клуби Гречиянинг "Олимпиакос" жамоаси ярим химоячиси 29 ёшли Григорис Георгатос билан шартнома имзолаган. Бундан иккиси йил мукаддам ҳам "Интер"да тўп сурган футbolchilarning нарихи бу сафар 6 миллион 30 минг доллар килиб белгиланди.

Шоира ШАРИПОВА

УИЛЬЯМСЛАР ОЛДИНДА

Кече Италиядаги Монце автодромида кечётган пойгаларнинг иккичи кун синов босқичи ниҳоясига етди. Пойгаларнинг биринчи кунда аварияга учраган Михаил Шумахер гарчи айтарли даражада жароҳат олмаган бўлса-да, ҳозирча ўзини ушбу мусобақалардан четда сақламоқда. Бундай имкониятлардан "Феррари"да қатнашаётган биринчи даъвогар бразилиялик Р.Баррикэло унумли фойдалана олмади. У ўн иккиси иштирокчи орасида ўн биринчи бўлиб марра чизигини кесиб ўта олди, холос. Иккиси фамилиядош Ральф ва Монтоя Уильямслар иккичи кун натижаларига кўра жадвал пешқадамлари бўлиб олдилар.

«АМЕРИКА КУБОГИ» МУСОБАҚАЛАРИ ЯКУНЛАНДИ

канадалик ва аргентиналик ҳамкаслари катта тўсиқ бўлиб турарди. Учрашув бошланишидан олдинрок бу иккиси жамоанинг турнирида иштирок этишдан воз кечиши "С" гурхига ғолблари Коста-Рикага турнир совриндорлигини ҳам олиб келди.

КРАМНИК ПЕШҚАДАМ

Германиянинг Дортмунд шахрида давом этаётган шахмат бўйича супер турнирда биринчи давранинг энг марказий учрашув ўтказилди. Яъни, ФИДЕ йўналиши бўйича жаҳон чемпиони хиндишонлик Вишванатан Ананд классик йўналиш бўйича жаҳон чемпиони россиялик Владимир Крамник билан баҳс олиб борди. Аммо ўйинни оқ доналар билан бошлаган ҳинд шахматчisi 17 юришдан сўнг рақибида дуранг таклиф қилди, қолган учрашувларда эса россиялик Александр Морозевич буюк британиялик Майл Адамси мағлубиятга учратган бўлса, болгариялик Весилин Топалов ва венгриялик Петер Лиеко учрашувни дуранг билан якунланди.

Биринчи даврдан сўнг ҳамон Владимир Крамник якка пешқадам бўлиб турибди.

Волидаи муҳтарамаси – Ҳақ зиёратига етти бор елкасида элтган ўғил ҳақидаги ривоятни эслайсизми? Унинг бу амалдан топган савоби – онаизорнинг бир кечалик бедорлигига баробар экан. Бу ривоятда буюк мантиқ бор: она олдидағи фарзандлик қарзи мўъмин киши зиммасига юкланган Оллоҳнинг фарзидан кам эмас. Ҳадиси шарифда пайғамбаримиз Мұхаммад Алайхиссалом марҳамат қиласидарки: “Жаннан оналар оёғи остидадир!”

Ҳадисда яна шундай жумлалар бор, “Фарзандлар жаннат боғининг раҳонлари”dir. Ҳар кутлуг тонг чоғи турмушнинг ширин ташвишлари билан кўчага кетган ота ана шу жаннатни соғина-соғина кунни кеч қиласи ва куёш ўз ётогига қайтишидан олдинми-кейинми топганини олиб ўша беҳиштнинг эшигидан шошилиб-шошилиб кириб келади. Дарвоза пештоқида фақат унинг қалбигина ўқий оладиган битик – “Саодат салтанати”.

Остонада уни бу улуғ даргоҳдаги мунисигина – ОНА, райондай хушбўй, шириншакар болалар қаршилайди. Аслида яшамоқнинг, одам бўлиб яралмоқнинг мантиғи ҳам шу, ўша ОНА ва БОЛА йўқ экан, ҳаётнинг маъноси ҳам йўқдир.

Юртбошимиз томонидан янги асрнинг илк иилига “Оналар ва болалар йили”

2001 yil – Onalar va bolalar yili

Оналик – замин куррасидаги 2,5 миллиардга яқин хотин-қизнинг энг буюк, энг эзгу орзуси.

“Алп – Онадан”, – дейдилар. Онанинг руҳи ва жисми бекаму кўст экан, түғилган фарзанднинг илиги тўйк, бели бақувват. Чунки, кўксидан томган

ором олади. “Гўдакнинг танасини чиниктириш учун икки нарса зарур: бири уни аста қимирлатиб тебратиш, иккинчиси – она алласи. Биринчиси, боланинг танасига бадантарбия ўрнида зарур, иккинчиси эса унинг руҳини пойдор қиласи”, – дейди Абу Али ибн Сино.

Француз шоири Шарль Бодлер “Аёл баҳтга таклифномадир” дейди. Бинобарин, келажакдаги баҳт қасрининг қалити, саодат айёмининг исмларимиз битилган таклифномаси ОНА тимсолида қўлимизга бериб кўйилган. Такдири илоҳийнинг бу беназир сийлови учун беадад шукронга айтмоқба бурклидирмиз.

Камили эмас дунё ҳеч, ул зот ила бекамдур,
Азиз исми битилса, оқ қоғозга ёғар нур,
Еру кўкни ёритган офтоб эмас, онадир,
Куёш ётган тунда ҳам она – чирок ёқадур.

Рустамжон УММАТОВ

САОДАТ САЛТАНАТИ

мақоми берилгани ана шу азалий буюк ҳаракатнинг яна бир карра исботланиши, албатта. Президентимиз: “Янги йилни Яратанимизнинг буюк мўъжизаси бўлган, барчамизни ёруғ дунёга келтириб, ўзининг бутун борлигини багишлайдиган ҳаёт давомчиси бўлмиш Оналар ва жондай азиз болаларимиз тимсолида кўришимиз, ўйлайманки, жамоатчилигимизга, халқимизга маъ-кул келади” – деганди.

Она кўксидаги табаррук неъмат шундай нарсаки, агар болани эмизаётган аёлнинг оқ сути ихлос билан эм қилинса кар кулокни очади, дейдилар. Она

бала эмизар чоғи чинакам фаришта қиёфасига киради ва жаннат қўшигини куйламокни бошлайди:
Алла болам, алла-ё,
Алла қўзим, алла-ё...
Шу қўшиқ билан дунё

Sog'ligimiz o'z qo'llimizda

ИЧБУРУФ – одамларда учрайдиган бактерион этмологияси юкумли ичак касаллиги бўлиб, бу касалликни пайдо қилувчи микроблар оғиз орқали организмга тушади.

Ичбуруф йил давомида асосан ёз ойларида кўпроқ учрайди. Бунинг сабаби шуки, иссиқ шародига тасодифий сув манбаларининг суви кўп ичилади. Кайнаган сув билан тозалаб ювилмаган сабзавот ва мевалар истеъмол қилинади.

Бактериялар меъда, ичак ўйларига тушганда одам организми ўтқир ичак инфекциялари билан зарарланади. Касалликнинг яширин даври бир неча соатдан бир неча кунгача давом этади (12 соатдан 7 кунгача).

Клиник белгилари – бош-

ТОЗАЛИК – КАСАЛЛИК ДУШМАНИ

лангич даврида киндик атрофи бураб оғрийди, корин дам бўлиб, ғулдрайди, беморнинг ич суриши кузатилади. Ҳарорати бирдан кўтарилиб кетиши, эти увишиши, бош оғриши ва баломатлар грипп ёки терлама касаллигини ҳам эслатиши мумкин.

Ичбуруф ёки бошқа юкумли касалликлар билан оғриган беморлар касалхонага ётқизилади, сўнг турар жойи якунловчи дезинфекция қилинади. Бунинг учун дезинфекцияловчи эритма ёки дезинфекцион мухитдан фойдаланилади.

Юқумли ичак касалликларинг олдини олиш учун куйидаги кўрсатмаларга риоя қилиш керак:

Овқатни ейишдан олдин кўлларни совунлаб яхшилаб ювиш.

Сабзавот ва меваларни ейишдан аввал водопровод сувида ювиш, сўнгра қайнатилган сув билан чайиб ташлаш.

Пашша, суварак ва ариларни кириш.

Ҳар доим тоза сув ишлатиш.

Чиқиндиларни ўз вактида


максус жойларга элтиш.

Ҳар иккича кунда ҳожатхоналарни тозалаш.

Ахоли ўртасида мунтазам санитария-оқартив ишларини олиб бориши керак.

Юқорида айтиб ўтилган қоидаларга амал қиласангиз, юкумли ичак касалликларига чалинмайсиз. Бошида айтиб ўтилган кўринишларни сезганингизда эса, дарҳол даволаш клиникаларига мурожаат қилингизни сўраймиз.

Шуҳрат АҚРОМОВ,
Ҳамза тумани даволаш-санитария эпидемиология низорат маркази бош шифокори



бирилиги. 7. Металл буюмларини ясовчи, таъмирловчи ҳунарманд. 16. “Зарбулмасал” асарини ёзиб қолдирган ўзбек мумтоз адаби. 17. Физика фанининг жисмлар ҳаракати қонуниятларини ўрганувчи бўлими. 18. Кемада дунё бўйлаб ўюстирилган саёҳат гурухи раҳбари пор-

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ШУ ЙИЛ 14 ИЮЛЬ СОНИДА БЕРИЛГАН “ШОҲМОТ” МУАММОНОМАСИННИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Очқич сўзлар: 1. Мухиддинов. 2. Фишер. 3. Рух. 4. Шатранж. 5. Пот. 6. Чигорин. 7. Суръат. 8. Катак.

Ибратли сўзлар: Шоҳмот мен учун кураш ва спорт. У фан ва санъатнинг мужассам ифодаси ҳам.

Гарри КАСПАРОВ